

Ҳақиқий одоб дин одобидир



07:00 / 29.12.2018 1919

Муътамир ибн Сулаймоннинг мажлисида бир аъробий одобни шундай васф қилди: «Ҳақиқий одоб дин одобидир. У тавфиққа чақиради, саодатга сабаб бўлади ва тақвони зиёда қилади. Дин одоби – Ислом аҳкомларини ва фарзларни адо қилишни ўрганиш, нафл ибодатлар қилиб, тўғри ният билан қўшимча (савоб) олиш, нафсни поклаш, шу йўлда курашган ҳолда яхшиликни севиш, диндан узилган ҳолда ёмонликдан нафратланишдир. Яхшиликка Аллоҳнинг савобига рағбат қилганинг учун четланишинг керак. Шунда савобга эришиб, азобдан омонда бўласан. Бунинг учун азобга олиб боровчи яхшиликларни ҳамма нарсадан устун қўйишинг керак».

«Солиҳлар гулшани» китобидан